

Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ

## МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

31 МАРТ
№26

doi
Crossref
iD

CONFERENCES.UZ

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
## 15 -ҚИСМ

---

# МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 26-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
## ЧАСТЬ-15

---

# MATERIALS OF THE REPUBLICAN 26-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"
## PART-15

**ТОШКЕНТ-2021**

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 26-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУСИҚА ВА ҲАЁТ

**1. Раҳмонов Улуғбек Каримович, Сулеймонова Дилоромхъон Қаҳрамоновна**
МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКДА САНЪАТНИ ЎРНИ.........................................................7

# МУСИҚА ВА ҲАЁТ

## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКДА САНЪАТНИ ЎРНИ.

**Раҳмонов Улуғбек Каримович**
Фарғона давлат университети
“Санъатшунослик” факультети ўқитувчиси.
Телефон: 90 160 79 00
**Сулеймонова Дилоромхъон Қахрамоновна**
Фарғона давлат университети
“Санъатшунослик” факультети ўқитувчиси.
Телефон: 90 580 52 22

**Аннотация:** Мақола Ўзбекистонда амалга оширилаётган ташқи ва ички сиёсатни фуқароларимиз ўртасида олиб борилаётган миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ўзаро муносабатларида санъатнинг ўрнига ургғу берилган.

**Калит сўзлар:** страттегия, устивор, бағрикенглик, ижтиомий-иқтисодий, маънавий-аҳлоқий, сиёсий-маданий, дипломатия, ҳамжамият, интеграциялашув, ўзаро мафаат, андоза, уйғунллашув.

Ключевые слова: стратегия, приоритет, толерантность, социально-экономи-ческий, духовно-нравственный, политико-культурный, дипломатия, сооб-щество, интеграция, взаимная выгода, стандарт, гармонизация.

Key words: strategy, priority, tolerance, socio-economic, spiritual and moral, political and cultural, diplomacy, community, integration, mutual benefit, standard, harmonization.

Ўзбекистонда кечаётган бугунги ўзгаришлар мамлакатнинг янги тарихини бошлаб бермоқда.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси” ва 2017 йил 15-августдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари натижаларига кўра, юртимизда ижти-моий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда юз бераётган улкан янгилан-ишлар, давлатимизнинг дунё ҳамжамияти билан интеграциялашувини таъминламоқда. Ушбу Фармонларни бешинчи “Миллатлараро тотувликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш соҳасида”ги устувор йўналишини тадбиқ этилиши, бугунги кунда юртимизни дунё ўзига чорламоқда ва амалий сиёсат сари юзланмоқда. Бундай йўл, шубҳасиз, бугунгача мавжуд бўлган тартиб, қоидаларни ислоҳ қилиш ва уларни дунё андозаларига уйғунлаштиришни тақозо этди. Ўзбек-истон,, айни кунларда очиқ ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат курсини давом эттирмоқда. Бу сиёсат кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бугунги жадал ўзгараётган глобал шарт-шароитларда, энг аввало, халқимизнинг хавфсиз-лиги ва осойишталиги учун дипломатия ҳамда ташқи сиёсатнинг инсон омили учун, унинг яшаш-турмуш маданиятида асосий вазифалардан экан-лиги кишилик жамиятидан ҳаммамизга маълум.

Бунда Ўзбекистоннинг минтақада фуқаролар ўртасида аҳиллик ва тинч-тотувлик, юртимизнинг бой тарихий мероси, унинг маънавий-аҳлоқий анъаналари ва қадриятлари, жаҳон илм-фан маданиятига қўшган беқиёс ҳиссаси, Халқаро муносабатларда фаол ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий фаолиятида тенг ҳуқуқли субъектга айланишининг асосий ва муҳим восита сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Мар-казий Осиё минтақасида жойлашган қўшни мамлакатлар билан очиқ, дўстона, мустаҳкам ва амадий сиёсат олиб бораётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизнинг иқтисодиётини ривожлан-тириш учун қулай шарт-шароит яратиш, жумладан, инвестициялар жалб қилишни кўпайтирилиши, ташқи бозорларга олиб чиқадиган транспорт йўлларини ривожлантирилиши, иқтисодий алоқаларни кенгайтирилиши ҳам ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланган-

лиги фуқароларимиз учун муносиб турмуш даражасини Халқаро меъёрлар талаб-лари асосида яратилиши, юртимизнинг тараққий топишида фуқароларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашдек эзгу мақсадларга қаратил-ганлиги бугунги кунда барчамизни ижодий фаолиятга чорламокда.

Бунга мисол тариқасида мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Россия Федератив Республикаларига амалга оширган давлат ташрифлари ва жорий йилни март ойида Қирғизистон Республикаси давлат раҳбарини юртимизга қилган ташрифи мамлакатимиз ташқи сиёсатида яқин қўшничилик ва дўстона муносабатлар устун эканлигини амалда намоён этди ва мамлакатлар ҳудудлари билан вилоятларимиз ўртасида ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётгани ва ўзининг амалий натижасини бераётганлиги Харакатлар стратегиясини намунасидир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бундай ҳамкорлик алоқалари Қирғизистон ва Тожикистон билан жадал олиб борилмоқда. Қирғизистон билан чегараларимизни демаркация ва делимитация қилиш сингари мурак-каб, ўта нозик масалада ҳам келишувга эришилаётганлиги бизларни қувон-тирмоқда.

Шуни хурсандчилик билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон қўшни мамлакатлар билан муносабатларда, авваламбор собиқ Иттифоқ парчалан-гандан сўнг турли объектив ва субъектив сабабларга кўра тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилишга тайёрлигини намоён этмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёда аҳолиси энг кўп, бой табиий ресурсларга эга ва географик жаҳатдан қулай жойлашган мамлакат бўлиб, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутади. Шунинг учун ҳам давлатимиз олиб бораётган ташқи сиёсат, қарийб етмиш миллионлик аҳолиси бўлган бутун минтақа тақдирига даҳлдорлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

2019 йил 8 сентябрь куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида “Биз ўзимизнинг яқин қўшниларимиз-Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон билан очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз” - деб миллий манфаатларни таъминлашда Марказий Осиё минтақасида Ўзбекис-тон ташки сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланишини алоҳида таъкидлаган эди.

Бу - ҳаётий ҳақиқат. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам қўшнилар билан тил топишиш, улар билан дўстона муносабатни йўлга қўйиш жуда муҳим ва зарурдир. Бундай эзгу мақсад 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республи-касини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган. Ушбу дастуриламал ҳужжатда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш устувор йўналиш сифатида белгиланган. Унда давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакати-мизнинг Халқаро нуфузини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, “Миллатлараро тотувликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш соҳасида”ги бу устувор йўналиш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратишга хизмат қилмоқда, халқимизнинг эртанги кунига бўлган ишончини ва қўши мамлакатлар билан алоқаларда яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбек халқи жамият тарихида ўзининг бой маданий мероси, дунё илм-фанининг турли соҳаларида ижод қилган буюк мутафаккирлар етишиб чиққан, Марказий Осиёдаги ижтимоий-тарихий тараққиётнинг ҳар бир даврида ўзига хос манбалар асосида из қолдирган. Маркази Осиё ҳудудида яшовчи барча халқларнинг дунёқараши, урф-одатлари, миллий-анъанавий қадриятлари, оилавий-маросим удумлари, шу билан бирга яшаш турмуш тарзи ва кийиниш маданиятлари бир биридан фарқ қилмайдиган ҳолда ўхшашликлар мавжуд. Бу ижтимоий-тарихий маданиятда қон-қонига сингиб кетган маънавий анъналарни ўмишнинг зулми ҳам йўқ қила олмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саъйи ҳаракати билан Марказий Осиё мамлакатлари халқлари тараққиётининг ривожланишида муҳим бўлган ҳамжиҳатлик, тинчлик-тотувлик, ўзаро борди-келди муносабатларини ривожлантирилиши, ҳудуддаги яхлит бўлган осуда ҳаётни барқарорлаштиришга қаратилганлиги бу устувор йўналишлар эзгу ниятлар билан шу заминда яшаётган халқларни қувонтирмоқда.

Миллатлараро тотувликда санъатни ўрнига илмий жиҳатдан ёндошсак, юртимиз чегараларини тартиб асосида очилиши, шу ҳудудда яшовчи турли миллат ва халқларни ҳар томонлама равнақ топишига уларнинг ўз миллий қадриятларини сақлаб қолишга, урф-одатлари

ва оилавий маросим анъаналарини ривжлантиришга, миллатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантиришда муҳим тарихий воқеа сифатида эътироф этиш керак. Марказий Осиё халқларининг нафақат миллий урф-одатлари, анъанавий оилавий маросимлари, балки, ўзларининг ижтимоий яшаш турмушларида зарур бўлган санъатлари ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган. Бу ижтимоий-маданий тараққиёт ҳодисаларини ўзбек мусиқашунос олимлар ва композиторлар томонидан илмий асосланиб, жаҳон мусиқа маданиятига ўзларини муносиб ҳисаларини қўшганлар. Шулардан санъатшунослик фанлари доктори Исҳоқ Ражабовнинг ўзбек-тожик  мусиқа мероси бўлган “Шашмақом” масалаларига бағишланган “Мақом масалаларига доир” асари, Ўзбекистон Халқ артисти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Юнус Ражабий томонидан ўзбек-тожик халқлари заминида яратилган “Шашмақом”нинг олти жилдини нотага олиши, Ўзбекистон Халқ артисти Мутаваккил Бурҳновнинг ўзбек халқ қўшиқлари асосида “Гўзал қизга”, тожикча “Сари кўҳи баланди”, “Заррагул”, қозоқ халқ қўшиғи “Дударай”, афғон халқ қўшиғи “Чашми сиёҳ”, эрон халқ қўшиғи “Гули гандум” каби хор асарлари, тожик халқ шоири А.Лохутий сўзи билан “Дилбаруме”, “Эй, булбул”, “Бути нозанинам” романслари, Ўзбекистон Халқ артисти Сулаймон Юдаков томонидан яратилган А.Лохутий сўзи билан “Афсонаи дил”, “Тасфири ту” романслари, Ўзбекистон Халқ артисти Икром Акбаров томони-дан Қирғизистон халқ ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Момо ер” асари асосида яратилган мусиқали драмалар ёрқин мисол бўла олади. Бу асарлар барча халқларнинг маънавий-маданий ижод махсули сифатида ҳурмат билан саҳналарда ижро қилинган. Бу ижод махсуллари халқлар ўртасидаги биро-дарликни, ҳамжиҳатликни, бир бирларига бўлган миллатлараро тотувликни, ҳар бир миллат қалбида эзгуликни рамзий белгилари сифатида қаралган.

Ўзбекистонда чуқур ўйланган, бу устувор йўналишларнинг амалий натижалари сифатида Марказий Осиё заминида яшовчи халқлар мустақил-ликка эришганларидан сўнг ўзларини ижтимоий-сиёсий ривожланишларига қараб, янгидан янги урф-одатлар ва маросимлар кириб келганлиги, янги кўринишлар асосида мусиқа ва саҳна асарлари шаклланаётганлиги ҳозирги кунда санъат асарларида ўзига хос тарзда акс этмоқда. Қозоғистон Республикасида “Ўзбекистон Республикаси йили” ўтказилиши, Тожикистон Республикасида “Низомиддин Алишер Навоий” номи билан аталувчи исти-роҳат боғига қайта ном берилиши, Самарқанд шаҳрида “Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий” ёдгорлигини ўртатилганлиги, Тошкент метрополи-тениниг Сергели тумани қурилаётган станцияларидан бирига атоқли тожик шоири, Тожикистон Қаҳрамони Мирзо Турсунзода номининг берилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги, “Буюк қирғиз адиби ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қабул қилинган Қарорлар, Ўзбекистон санъат усталари томонидан Марказий Осиё мамлакатларида намоиш этилган концертлар ёки шу мамлакатларнинг вакиллари бизнинг юртмизда ўз маданият кунларини ўтказишлари барча миллат ва элатларнинг ўзаро яқинлиги, маданияти, анъана ва урф-одатлари ўхшаш эканлигини, дунёга эзгулик билан боққан, тинчлик ва тараққиёт фидойиси бўлган, эрксевар оламга дўстлик, биродарлик бағрини кенг очган, ўз юрти ва халқини асл фарзанди бўлган ҳар бир инсонга давлатимиз раҳбар томонидан қабул қилинга “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси” ҳамжиҳатлик ва тотувликнинг ёрқин мисолидир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси”. “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 8 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15-августдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республи-касини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 16 август..
3. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистолн давлатини бирга барпо этамиз. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти. 2016 йил.
4. Фалсафа энциклопедик луғат. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2010 йил.

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

**(15-қисм)**

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2021

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000